

Иситмани сўкма



08:00 / 13.01.2021 1807

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Соибнинг (ёки Умму Мусайябнинг) олдига кириб, **«Сенга нима бўлди, эй Умму Соиб (ёки Умму Мусайяб), қалтираяпсанми?»** деб сўрадилар. У: «Иситма, Аллоҳ уни муборак қилмасин», деди. Шунда у зот алайҳиссалом: **«Иситмани сўкма, чунки темирчининг босқони темир чиқиндиларини кетказгани каби, иситма (касаллик) ҳам одамзотнинг хатоларини кетказди»**.

«Солиҳлар гулшани» китобидан